



Юн Сок Ёль, Корея Республикаси Президенти:

БИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯГОНА АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИГИМИЗ ВА АСОСИЙ ҲАМКОРИМИЗ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль Ўзбекистонга амалга оширадиган давлат ташрифи арафасида “Дунё” ахборот агентлигига интервью берди.



— Жаноб Президент, суҳбатимиз айна пайтда чуқур трансформация босқичидан ўтаётган Ўзбекистонга давлат ташрифингиз арафасида ташкил этилмоқда. Мамлуки, ўз вақтида Корея Республикаси ҳам бундай ўзгаришлар жараёнини бошидан кечирган. Мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси кўпга умумий тарихий ва маданий хусусиятларга эга. Мен ҳамини мамлакатимизга сафар қилишни орзу қилганман. Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларидан ушбу ташрифга таклиф олиш мен учун катта шарафдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг беқисс раҳнамолигида Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиеда амалга оширилаётган ўзгаришлар ва инновациялар жараёнида етакчилик

қилмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари, жумладан, ялли ички маҳсулот, аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми, тўлов баланси ва тўғридан тўғри хорижий инвестициялар оқими йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Мамлакатнинг юқори ўсиш салоҳиятига эга бозори, катта миқдордаги ишчи кучи ва геосиёсий аҳамияти уни халқаро компаниялар учун бизнес юритиш ва инвестициялар киритиш учун жуда жозибадор маконга айлантирмоқда. Мен келишдан олдин Тошкентни куш парвози баландлигидан томоша қилиш имкониятига эга бўлдим ва Ўзбекистон нақадар изчил ривожланиётганини кўрдим.

Ўтган йили эълон қилинган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ислохотлар изчил давом эттирилиб, янги муваффақиятларга эришилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, иқтисодийни либераллаштириш ва хорижий компанияларни жалб этиш каби мақсадларни илгари суриб, миллий иқтисодиётни

рағбатлантирмоқда. Шунингдек, жамият ҳаётида коррупцияга қарши курашиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларни қамраб олган кенг кўламли ислохотларни амалга оширмоқда.

Бир пайтлар мутлақ қашшоқ мамлакат бўлган Корея Республикаси ташқи дунёга очилиш, иқтисодиётини либераллаштириш ва халқаро ҳамжамият билан яқин ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш орқали иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга эришди. Ушбу таърибага асосланиб, Корея Республикаси Ўзбекистоннинг ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ҳамда бундан кейин ҳам республикани ижтимоий-иқтисодий ва демократик ривожлантиришда мамлакатингиз билан алоҳида стратегик шерик сифатида яқиндан ҳамкорлик қилади.

— Бизнинг давлатларимиз учун иқтисодий ривожланиш ва ўсиш ташқи ҳамда ички сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон хорижий инвестицияси учун эшикларини очмоқда,

экспорт салоҳиятини оширмоқда, янада кенгроқ кооперацияга эришиш ҳамда савдо алоқаларини чуқурлаштиришга интилоқда. Сиз ушбу соҳаларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида қандай фикр билдира оласиз? Қандай таъсирлар ўзаро алоқалар фаоллашувини рағбатлантириши ёки уларга тўсқинлик қилиши мумкин?

— Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари 2016 йилда Президентлик лавозимига киришганидан буён дадил ислохотлар ва очиқлик сиёсатини юритиб, Ўзбекистонни мутлақо янги мамлакатга айлантирди.

Валюта сиёсатини либераллаштириш, божхона тўловларини камайтириш ва давлат корхоналарини таркибий ўзгартиришни ўз ичига олган бозорни либераллаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар Ўзбекистон иқтисодиётини жонлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга ёрдам берди. Хусусан, ўтган йили тўғридан тўғри хорижий инвестициялар 96,4 фойзага ўсиб, 7,68 миллиард долларга етди.

Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатганидан буён автомобилсозлик, энергетика, маиший техника, тўқимачилик, молия, телекоммуникациялар ва бошқа йўналишлардаги иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтди.

2019 йилда икки томонлама муносабатлар Марказий Осиеда ягона бўлган алоҳида стратегик шериклик мақомини олди ва ўтган йил ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд даражадаги 2,46 миллиард долларга етди. Айни дамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам ўзаро манфаатли мазмун касб этган.

Бугун дунё мураккаб глобал инқирозга юз тутаятган экан, мен бундай вазиятни ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада диверсификация қилиш ва чуқурлаштириш, жумладан, муҳим фойдали қазilmаларни етакчилик бериш занжирини ривожлантириш учун имконият деб ҳисоблайман. Ушбу ташриф чоғида ҳукуматларимиз ва бизнес вакиллари ўртасидаги музокара-ларнинг амалий натижаларини кўришга умид қиламан.

— Бугунги кунда Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш воситасида Марказий Осиени жишлаштириш ва

унинг салоҳиятини юксалтиришга интилоқда. Бунинг самарасида Марказий Осие халқаро майдонда тобора муҳим ҳамкор ва фаол халқаро кучга айланиб бормоқда. Сизнинг фикрингизча, ушбу жараёнлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга қандай таъсир қилмоқда?

— Бизга мамлуки, Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари минтақадаги қўшнилар билан шериклик муносабатларини мустаҳкамлашни мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб, минтақавий ҳамкорликда етакчи ўрин тутмоқда. 2018 йилда унинг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиладиган формат — Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари ташкил этилди. Биз, шунингдек, Ўзбекистон қўшни Қирғизистон ва Тожикистон билан чегара ва сувдан фойдаланиш масалаларига тўғри ечим топаётганини, халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларида фаол иштирок этаётганини тан оламан ва эътироф этаман.

Марказий Осие географик жиҳатдан Осие ва Европа туташган ҳудудда жойлашган бўлиб, бой табиий ресурслар, жумладан, нодир фойдали қазilmаларга эга, унинг стратегик ва иқтисодий аҳамияти жадаллик билан ошиб бормоқда. Айни жиҳатлар минтақа макъенинг ошишига ҳамда сўнгги пайтларда Марказий Осие давлатларининг халқаро майдонда эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Марказий Осие билан ҳамкорликнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, ташрифидан бир оз олдин бизнинг ҳукумат “Корея Республикаси — Марказий Осие K SILK ROAD (R.O.A.D) ҳамкорлик ташаббуси” ни эълон қилди. Ушбу ташаббус мамлакатимиз ва Марказий Осие ўртасидаги 30 йиллик муносабатлар таърибасига асосланмоқда ва жадаллик билан ўзгариб бораётган халқаро вазиятга жавобан янги ҳамкорлик режасини тақдим этмоқда.

Ушбу ташаббус Корея Республикасининг минтақанингизга қаратилган биринчи стратегияси бўлиб, Корея ва Марказий Осиеда эркинлик, тинчлик ва фаровонликни биргаликда барпо этиш мақсадида “ёна-ён” (биргаликдаги йўл) ривожланиш, “саъй-ҳаракатларни бирлаштириш” (конвергенция) ҳамда “инновация ва ижодкорлик” (креативлик) тамойилларига асосланади.

Хусусан, у энергетика ва ресурслар соҳасида стратегик шерикликни



мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун тараққиётга йўналтирилган ҳамкорликни модернизация қилиш, келажақдаги фаровонлик йўлида шериклик алоқаларини ўрнатиш ва бунга эришиш учун ҳукуматлар, бизнес ва фуқаролар ўртасида уйғун ҳамкорлик тармогини мустаҳкамлашга қаратилган.

Келгусида Корея Республикаси ҳукумати Марказий Осиенинг бешта давлати билан Марказий Осие стратегиясини амалга ошириш бўйича маслаҳатлашувлар ва яқин ҳамкорликни давом эттиради. Айни пайтда минтақадаги асосий ҳамкор ва биродар давлат бўлган Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ва келажакка йўналтирилган ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди.

— Ўзбекистонда аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи 30 ёшгача бўлган йилгит қизлар камолоти, уларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим, фан ва юқори технологиялар соҳаларида ўзаро ҳамкорлик истиқболлари ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Корея Республикаси ва Ўзбекистон бир-бирдан узоқ масофада жойлашган бўлса-да, улар ўртасидаги илм-фан ва технологияларнинг илгор ютуқларини ўзаро алмашиш жараёни қадим ва дўстона тарихга бориб тақалади.

▶ Давоми 2-бетда

Президент ташрифидан сўнг

ДИЛБОҒ — ТАРИХИЙ ҒАЛАБАЛАРГА ЗАМИН ЯРАТУВЧИ МАСКАН

Ёз чилласи бошланмаган бўлса-да, кунлар анча исияпти. Пойтахтимизда ҳам ҳарорат бирмунча юқори, эрталабдан кўш тафти тушган жой борки, қаттиқ қизийди. Шундай вазиятда маҳаллаларда барпо этилган яшил ҳудудлар, соя-салқин гўшалар жонга ора киради. Эрталабдан иш, ўқиш ва бошқа юмушга отланганлар яшиллик оралаб юришга интилади.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги “Дилбоғ” маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилган саломатлик йўлига бўйлаб юрар эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Маҳалла гузарига олиб борувчи раво йўл ёқасида кўш энергияси асосида ишлайдиган тунги ёриткичлар ўрнатилган. Кўп қаватли уйлар, савдо мажмуалари, замонавий ўқув маркази атрофида яшил ҳудуд барпо этилган. Маҳалладаги “Уч авлод боғи” эса аҳоли буш вақтини мароқли ўтказиши учун қўлай масканга айланган.




Маҳалла аҳолиси ўтган ҳафтада муҳим тадбир гувоҳи бўлди — Президентимиз пойтахтимиздаги жомоат хавфсизлиги ва спорт соҳасидаги янги объектлар ҳамда бунёдкорлик ишлари билан танишуви асосида мазкур маҳаллага ҳам ташриф буюрди.

Маҳаллада 5200 дан ортиқ киши яшайди. 26 та кўп қаватли уй, мактаб ва

боғчалар, савдо шохобчалари атрофи обод қилинган. “Дилбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам маҳаллабай тизим асосида тадбиркорлик ва хунармандлик ривожланмоқда. Худудда 15 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси, битта ишлаб чиқариш корхонаси, таълим муассасаларида аҳоли доимий иш билан машғул.

▶ Давоми 3-бетда

Тараддуд



ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ





Юн Сок Ёль, Корея Республикаси Президенти: БИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЯҒОНА АЛОҲИДА СТРАТЕГИК ШЕРИГИМИЗ ВА АСОСИЙ ҲАМКОРИМИЗ БЎЛГАН ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВОМ ЭТАМИЗ

Бошланиши 1-бетда

Ўрта асрларда Ипак йўлининг маркази саналган Самарқанд шаҳридаги Улугбек расадхонасида тузилган астрономик жадваллар Корея ярим оролига ҳам етиб борган ва XV асрда ўзига хос корейс тақвимининг яратилишига асос бўлган.

Орадан 600 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, бугун Корея ва Ўзбекистон ҳукуматлари биргаликда Ўзбекистонда кимёвий технологиялар марказини (UzCCT) яратиш устида иш олиб бормоқда. Бу муассаса Корея кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институти (KRICT) тажрибалари асосида мамлакатда кимёвий технологиялар соҳасидаги тадқиқотлар ва ишланмаларни назорат қилувчи илмий-тадқиқот маркази мақомига эга бўлади.

2023 йилдан буён 12 нафар ўзбекистонлик ёш магистрант ва докторант Корея фан ва технологиялар университети ҳамда Корея кимёвий технологиялар илмий-тадқиқот институти негизда ташкил этилган олий мактабда илгор технологиялар асосида таҳсил олмақда. Бу ёшлар Ўзбекистондаги кимё-технология марказини бошқарадиган ва икки томонлама илмий-техникавий ҳамкорликка эга тадқиқотчиларнинг янги авлоди бўлиб етишади.

Бизнинг мамлакат Ўзбекистон билан илгор фан ва технологиялар, жумладан, АКТ, сунъий интеллект учун яримўтказгичлар соҳасида илмий тадқиқот ва ишланмалар ҳамда гуманитар алмашинувлар йўналишида ҳамкорликни мустақамлаш, биргаликда Марказий Осиёда инсониятни илмий ва технологик ютуқларга

етақловчи юқори технологияли хаб барпо этиши ва XXI асрнинг инновацион Ипак йўлини яратишга умид қилмоқда.

Бундан ташқари, аминманки, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар даврида ҳар икки мамлакатнинг келажак авлодлари бир-бири билан турли гоғлар ва қадриятларни эркин алмашиши мумкин бўлган ўзаро муштарак дунёда яшайди. Корея Республикаси ёшларимизнинг рақамлаштириш соҳасига мослашишига ёрдам бериш мақсадида рақамли таълимдаги инновацияларни фаол қўллаб-қувватлайди.

Мисол учун, биз 2025 йилдан бошлаб мактабларда қўлланиладиган миллий даражадаги “Сунъий интеллект билан рақамли дарслик” дастурини ишлаб чиққан дунёдаги биринчи мамлакат бўлдик. Бу ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим олиш имконини яратди. Шунингдек, биз рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни ўқитиш учун ўқитувчиларнинг интенсив тайёргарлигига эътибор қаратаймиз.

Корея Республикаси сунъий интеллект ва рақамли таълим соҳасида етакчи давлат сифатида Ўзбекистон билан истиқболда таълим жараёнига интеграциялашган инновациялар ва рақамли таълим моделлари намуналари борасида ўртоқлашиш орқали ҳам ҳамкорлик қилади.

— Корея Республикаси ҳам, Ўзбекистон ҳам кўҳна тарих ва бой маданиятга эга давлатлар сифатида ўзининг тарихий-маънавий меросини сақлаб келмоқда. Самарқанддаги қадимий Афросиёб деворларида Сўғд давлати ҳукмдори томонидан турли мамлакатлардан, жумладан, қадимги Когурё

давлатидан келган элчиларни қабул қилиш маросими акс эттирилган суратлар халқларимиз ўртасида чуқур ва жуда кўҳна тарихий ришталар мавжудлигидан дарак беради. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистондаги корейс диаспораси нufуси қарийб 180 минг кишига яқин бўлиб, улар Ўзбекистонни чинакам Ватан сифатида билади. Мамлакатимиздаги бошқа миллатлар қатори корейслар ҳам фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Шу жиҳатлар, қолаверса, замонавий маданий мулоқот ва унинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожига таъсири ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбек халқи бундан 87 йил олдин Узоқ Шарқдан кўчиб келган корейлик ватандошларимизга қайноқ бағридан жой бергани учун жуда миннатдорим.

Афросиёб музейидаги Корея элчисининг деворий суратлари эса мамлакатларимиз ўртасидаги яхши муносабатлар тарихи қарийб 1400 йилга бориб тақалишидан дарак беради. Икки мамлакат ўртасида маданий меросни асраб-авайлаш соҳасидаги ҳамкорлик равнақ топаётганидан ва бу борада Ипак йўлининг юраги — Самарқанддаги Афросиёб музейи гувоҳлик бераётганидан мамнунман.

Ўзбекистонда 172 минг корейс истиқомат қилади, бу Марказий Осиёда яшаётган 300 минг корейслар умумий сонининг энг катта қўрсаткичидир. Корейс халқи ўзбек жамиятида аҳил-иноқ яшаб, ўзининг меҳнатсеварлиги билан Ўзбекистоннинг турли соҳаларда ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Этник корейслар иккала маданиятни ҳам

яхши тушунгани сабабли, ўзларини ўзбек маданиятига, ўзбеклар эса корейс маданиятига яқинроқ ҳис қилишлари имкон берадиган боғловчи кўприк вазифасини сийқидилдан бажариб келмоқда.

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари билан турли йўналишларда, жумладан, энергетика ва инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, иқлим ва атроф-муҳит, фан-техника, таълим каби соҳаларда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришни муҳокама қилишни режалаштирғанимиз. Мамлакатларимиз ҳақида чуқур билимга эга ва жамиятда фаол роль ўйнаётган Ўзбекистондаги корейс диаспораси икки томонлама ҳамкорликни янада юқори даражага кўтаришида, ўйламанки, мустақам воситага айланади. Корея Республикаси ҳукумати бундан буён ҳам ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида корейс диаспорасига эътибор қаратади ва қўллаб-қувватлашни давом эттиради.



— Мамлакатимизга ташрифингиз арафасида Ўзбекистон, унинг халқи ҳамда Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлигига қандай тилаклар билдирган бўлардингиз?

— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустақам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди.

2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этаётди.

— Жаноб Президент, мазмуни суҳбат учун миннатдорлик билдираимиз, мамлакатимизга бўлажак ташрифингиз самарали ва муваффақиятли бўлишини тилаймиз.

— Раҳмат.

“Дунё” АА

— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустақам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди.

2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этаётди.

— 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустақам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди.

2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этаётди.

Тараддуд

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ

Тадбиркорлар — иқтисодийимиз таянчи. Юртимизда уларга катта эътибор қаратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитлар яратиб берилаётгани боиси шунда. Қабул қилинган ва қилинаётган турли фармон ва қарорлар эса ишбилармонлар сафи кенгайишига замин яратмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқотини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ушбу йўналишда қўллаб вазибалар қаторида бу йил ушбу муҳим тадбирни Қорақалпоғистонда ўтказиш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қурилиш ишлари 2,3 қарра, қишлоқ хўжалиги 130,6 фоиз, хизматлар ҳажми 2,3 қарра ва аҳоли жон бошига умумий даромад 3,3 баробар кўпайди. Бунда, табиийки, кичик бизнес вакилларининг алоҳида ўрни бор. Жумладан, 2023 йилда кичик бизнес субъектлари сони 24 мингдан ошди, бу эса 2016 йилдагига нисбатан 2,3 баробар кўпдир. Бир йилда 6247 та янги кичик бизнес субъекти иш бошлади. Жорий йилнинг бошидан буён эса қарийб 1600 та кичик тадбиркорлик субъекти очилди.

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури бўйича ижтимоий шериклик асосида эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаган, уларнинг маҳсулотини реализация қилишга кўмаклашган бизнес вакилларига қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериб бориш борасида ҳам сезиларли ишлар бажарилмоқда.

Маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчилари томонидан дастурда иштирок этиш истагини билдирган 645 та тадбиркорлик субъектига ижобий тақлифлар берилган бўлиб, шундан 594 та тадбиркор билан ҳамкорлик шартномалари тузилиб, махсус сертификатлар тақдим этилди.



— 20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури бўйича ижтимоий шериклик асосида эҳтиёжманд аҳолини иш билан таъминлаган, уларнинг маҳсулотини реализация қилишга кўмаклашган бизнес вакилларига қўшимча имтиёз ва рағбатлар бериб бориш борасида ҳам сезиларли ишлар бажарилмоқда.

Маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчилари томонидан дастурда иштирок этиш истагини билдирган 645 та тадбиркорлик субъектига ижобий тақлифлар берилган бўлиб, шундан 594 та тадбиркор билан ҳамкорлик шартномалари тузилиб, махсус сертификатлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиги Казбек ОРТИҚОВ билан суҳбатимиз ҳам айнан қарорда кўрсатиб ўтилган вазибалар, уларнинг ижроси хусусида бўлди.



— Корақалпоғистонда Президент ва тадбиркорларнинг йиллик мулоқотини ўтказишга тайёргарлик жараёни қандай кечяпти?

— Бу тадбир Қорақалпоғистонда ўтказилиши барчамизни жуда хурсанд қилди. Чунки бу билан Оролбўйи тадбиркорлари нафақат давлат раҳбари билан юзма-юз учрашади, балки етакчи тадбиркорлар билан фикр ва тажриба алмашади. Очик мулоқот доирасида ташкил этиладиган халқаро бизнес форум бунга имкон беради. Бундан ташқари, йил охирига қадар Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлардаги элчилари билан ҳамкорликда “Қорақалпоғистонда бизнес қилиш” дастури доирасида йирик брендлар республикага жалб этилади.

Савдо-саноат палатасининг очик мулоқотини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди ва “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Республика штаби таркибида вазирилик, идора ва ташкилотлар масъул мутахассислари рўйхати шакллантирилди.

Ташкил қилинадиган республика штаби ҳамда 24/7 режимда ишловчи Call марказга палата ходимлари 15 июндан 20 августга қадар жалб этилади. Очик мулоқот доирасида мурожаатларни қабул қилиш, умумлаштириш ва назорат қилиш, шунингдек, натижалари, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини жойлаштириб бериш имконини берувчи “Тадбиркорлар билан очик мулоқот” электрон платформасини ишга тушириш чоралари кўриломоқда.

— “Қорақалпоғистонда бизнес қилиш” дастури ишбилармонлар ва худуд аҳлига нима беради?

— Дастурдан кўзланган мақсад бутун мазмун-моҳияти билан худуд иқтисодий-тинни юксалтиришга қаратилган. Дастур янги. Аҳамияти унинг доирасида амалга оширилажак ишлар мисолида ортиб бораверади. Лекин шу ўринда худуд иқтисодиёти ва тадбиркорлик салоҳиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда аҳоли даромадини оширишда муҳим ўрин эгалловчи ва иқтисодий секторнинг асосий қисмини ташкил этувчи кичик бизнес йўналишида жадал сурияларда ўсишга эришилмоқда. Ялли худудий маҳсулот ҳажми ўтган йили 2016 йилдагига нисбатан 141,9, саноат ишлаб чиқариши ҳажми эса 132,6 фоиз ошди.

харидорлар топиш, халқаро бизнес форумларда иштирок этишга яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда.

Биргина тадбиркорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича судларга 2023 йил давомида жами 15 минг 187 даво аризаси киритилгани бунинг мисолидир.

Қорақалпоғистонда “Аёллар дафтари”га киритилган ва даромад манбаига эга бўлмаган хотин-қизлар “Тадбиркорлик асослари” бўйича ўқув курсларига жалб қилинмоқда. 2024 йил давомида ишиси жами 1841 хотин-қиз тадбиркорлик асослари бўйича ўқитилди. Ҳозиргача 923 нафари ўқитилиб, тадбиркорлигини бошлаши учун махсус сертификатлар берилди.

— Хорижий тадбиркорлар билан ҳамкорликда қандай ишлар бажарилмоқда?

— Республикаимизга хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида худудимиз салоҳияти ва яратилган имкониятлар тўғрисида тақдимотлар ишлаб чиқилган. Ушбу тақдимотлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси орқали хориждаги ваколатхоналарга етказилди. Натижада жорий йилнинг 12 февраль куни Хитойнинг “Chui Zhou Chen” компанияси вакили Чин Чаожеа Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон бошқармасига ташриф буюрди. Учрашув давомида Қорақалпоғистонда яратилган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. У пластик қувурлар ишлаб чиқариш бўйича қиймати 500 минг АҚШ долларлик лойиҳани амалга оширишни маълум қилди. Ушбу лойиҳа учун хитойлик тадбиркорга Тахиахот туманидан бўш бино тақлиф этилди.

— Хорижий тадбиркорларнинг чет давлатларда бўлиб ўтаётган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши таъминланяпти. Жумладан, жорий йилнинг январь



— Хорижий тадбиркорларнинг чет давлатларда бўлиб ўтаётган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши таъминланяпти. Жумладан, жорий йилнинг январь

— Хорижий тадбиркорларнинг чет давлатларда бўлиб ўтаётган кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиши таъминланяпти. Жумладан, жорий йилнинг январь

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ
суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ



Дилбоғ — ТАРИХИЙ ҒАЛАБАЛАРГА ЗАМИН ЯРАТУВЧИ МАСКАН

Бошланиши 1-бетда

Ушбу маҳаллага ҳам банк бириктирилган. Ўтган даврда банк вакиллари ва маҳалла фаоллари “хонадонбай” ўрганиш асосида ишсиз, деб топишган фуқароларга тикув машинаси, пиширик тайёрланадиган печ ва пайвандлаш аппаратлари, музлаткич етказиб берди. Натижада ўндан зиёд фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига эришилди.

Ишсизлик муаммосини ҳал қилиш борасида йил бошида ўтказилган ўрганишларда 70 дан кўпроқ шундай тоифадагилар аниқланган. Ҳозир 80 фойдан кўпрогининг бандлиги таъминланди, қолганларини ҳам ишла қилиш ёки оилавий тадбиркорликка йўналтириш чоралари кўриляпти. Маҳаллага туташ ҳудуддан ер усти метроси ўтгани аҳолининг ҳаётини янада энгиллаштирмақда. Энди одамлар шаҳарнинг истаган қисмига қўлай ва тез етиб бориш имконига эга бўляпти.

Дилбоғликлар орасида тадбиркорлик ҳаракати ҳам кенгайиб борапти. Касаначилик асосида иш юритаётган Хуршида Усмонова фаолияти бунга мисол. У бундан икки йил аввал 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига тадбиркорлигини бошлаган. Ишини тизимли ривожлантириб келаётган аёлга бу йил яна 100 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада 20 та янги иш ўрни яратилди.

Иброҳим Умбаров маҳалланинг етакчи тадбиркорларидан. Унинг озиқ-овқат ва қурилишга ихтисослашган етти та савдо шохобчаси бор. Тадбиркор ишини янада кенгайтириб, ишлаб чиқариш соҳасида қорхона ташкил қилмоқчи. Яна икки тадбиркор миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кредит сўраб мурожаат қилган. Ҳоким ёрдамчиси ушбу лойиҳаларни ўрганиб чиқиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши учун зарур имконият яратяпти.

Маҳаллада очилган мўъжазгина новвойхона харидорлар билан гажум. Бу тадбиркорлик субъекти очилганига ҳали кўп бўлмади, ammo қисқа вақтда мижозларини топиб улгурди. Новвойхона соҳиблари Аваз Хурбоев ва Муҳаббат Баротова 15 йил хорижда ишлади. Улар кенжа фарзандини ҳам чет элга олиб кетган эди.

— Ҳозир тадбиркорлик фаолиятимиз кундан кунга ривожланипти, — дейди



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Муҳаббат Баротова. — Ёшим 60 да, 4 фарзандим, 11 набирам бор. Энди қақришса ҳам ўзга юртларга бормайман. Инсон учун ўз юртида, оиласи, фарзандлари даврасида хотиржам ҳаёт кечиршидан ортиқ бахт йўқ. Аввал бу бахтга эришиш учун етарли шароит йўқ эди. Бизга шундай имконият яратиб берган давлатимиз раҳбарига мингдан минг раҳмат.

Маҳалла ёшларининг спорт соҳасидаги ютуқлари ҳам мақтанишга арзғулик. “Беш ташаббус” олимпиадаси доирасида йигит-қизлар турли мусобақаларда совринли ўринларини эгаллаб келяпти. Бундай натижага эришишида маҳалла ҳудудида йирик спорт мажмуаси фаолият юритаётгани ҳам ижобий туртки бўляпти. Ўзбекистон Футбол ассоциацияси хузуридаги Тошкент шаҳри футбол академияси шу маҳаллада жойлашган. Замонавий мажмуада ёпиқ ва очик спорт майдонлари, назарий машғулот хоналари, ётоқхона, ошхона, кутубхона мавжуд.

Айни пайтда бу ерда 12 ёшдан 18 ёшгача бўлган 154 бола сабоқ олмақда. Машғулотларга чет эллик мутахассислар ҳам жалб қилинган. Стадионлар ёритиш ва тасвирига олиш қурилмалари билан жиҳозланган.

Президентимиз ушбу академия тарбияланувчилари ва спорт соҳаси масъуллари билан суҳбатлашди.

— Футбол бўйича қарорларимиз, иқтидорли болаларга эътибор берганимиз туфайли ўзбек футболни ҳам жаҳонга чиқа бошлади. Европа жамоаларида легионерларимиз кўпайяпти. Ёшларимиз олимпиадага йўланма олди. Бу давомий бўлиши учун энди маҳалларда футболни ривожлантириш керак. Қўшимча стадионлар қуриб, унинг оммавийлигини қўллаб-қувватлаш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Ҳозир мамлакатимиз бўйича 14 та футбол академияси фаолият юртияпти. Тошкент шаҳри футбол академияси улардан бири. Ушбу дароҳ бундан икки йил аввал реконструкция қилиниб, замонавий воситалар билан жиҳозланган эди. Футбол академиясига кириб борганимизда стадионда



жамоалар ўртасида қизгин баҳс бораётганди. Танафус бўлиши билан болаларни суҳбатга чорлади.



— Тўрт йилдан бери футбол билан шуғулланаман, — дейди тумандаги 227-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Равшан Хурсанов. — Академияда барча шароит яратилган, мураббийларимиз бизга ҳар томонлама пухта сабоқ беради. Катта бўлсам, юртимиздан етишиб чиққан машҳур футболчилар қаторидан жой олишни орзу қиламан. Мақсадим — улар сингари нуфусли халқаро мусобақаларда юртимиз байрогини балола кўтариш.

Камрон Шамсидинов ҳам шу мактаб ўқувчиси. Футболга меҳри тушганида болакай энди 1-синфга қадам қўйган эди. Орадан олти йил ўтди, бу меҳр асло сўнггани йўқ, аксинча, футбол ҳаётини ҳамроҳига айланди. Унинг хаёлини чалғитиш учун “футбол анча қийин-ку, спортнинг энгилроқ турлари га ўттиш керак эмасми?” деб савол берман. “Йўқ, асло!” — қатъий жавоб беради болакай. Унинг бу қатъияти ортида иқтидори, интилиши, футбол уни қанчалик тоблагани яққол кўриниб туради. Камрон ҳам ўртоқлари сингари бу йўлдан қайтишни эмас, аксинча, уни-ўсиб футбол юлдузига айланиб,

Ватанимиз шухратини олам узра ёйишни орзу қилади.

Ёшларнинг бундай эзгу ниятлари рўёбга чиқиши учун бутун юртимизда барча имконият бор. Асосийси — ундан умумли фойдаланиш. Президентимиз билан қизгин мулоқот эса спорт соҳаси масъулларини ҳам, академия тарбияланувчиларини ҳам янги марралар сари руҳлантирди.

— Президентимизнинг муассасамизга таширф бўюриб, биз билан мулоқот қилгани барчамизда катта таассурот қолдирди, — дейди Тошкент шаҳри футбол академияси директори Искандар Норқулов. — Суҳбат асосида бутун спорт соҳаси, жумладан, футбол йўналиши бўйича спортчиларимиз эришаётган натижалар хусусида фикрлашдик. Ютуқларимиз қувонч билан тилга олинди. Ўз навбатида, олдимизда турган вазифалар ҳам таҳлил этилди. Уларни ҳал қилиш бўйича қатор тақлим ва ташаббуслар билдирилди. Ушбу вазифаларни бажариш учун бор куч-салоҳиятимизни ишга соламиз.

Мутахассислар таъкидлашча, футболда катта ютуқларга эришиш учун жисмоний чиниқилиш ўзи етарли эмас. Бунинг учун психологик тайёргарлик ҳам керак бўлади. Қолаверса, барча фани чуқур ўзлаштириш, замонавий технологияларни мукамал эгаллаш зарур. Бу борада маҳалла, мактаб, футбол академияси ва ота-оналар ҳамкорлиги муҳим. Қолаверса, иқтидорли ёшларни саралаш жараёни мураббийлардан катта маҳорат талаб этади.

Искандар Норқуловнинг айтишича, болаларни саралаш жараёни қабулдан бир йил олдин бошланади. Бунинг учун мактабларда мусобақалар уюштирилади, спорт мактаблари билан ҳамкорлик қилинади. Ҳозир Тошкент шаҳри футбол академиясида етти та жамоа бор, уларга малакали 14 мураббий бириктирилган.

Бундан ташқари, дарвозабонларни тайёрлаш, жисмоний, индивидуал тайёргарлик ва иқтидорли ёшларни саралаш бўйича алоҳида мутахассислар, таҳлилчилар бор. Энди футболимизнинг бундай салоҳиятини янада юксалтириш учун маҳалларда оммавий спортни ривожлантириш, машҳур футболчиларни оммага кенроқ таништириш бўйича ишланади.

Табиики, маҳаллада бошланган бундай хайрли ишлар умумхалқ ҳаракатига айланиб, ёшларимизнинг порлоқ келажаги, спортимиз ривожига, пировардида эса ўзбек футболининг тараққиёти йўлида янги ва ёруғ истиқболлар очади.



Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Давлатимиз раҳбари шу йил 7 июнда пойтахтимизнинг Яққасарой ва Яшнобод туманларига таширф бўюриб, жамоат хавфсизлиги ва спорт соҳаларидаги янги объектлар ҳамда маҳаллардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Таширф доирасида Ички ишлар вазирлиги жамоат хавфсизлиги департаментининг жорий йил мартда ишга туширилган Мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш марказини бориб кўрди. Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ очилган мазкур мажмуа жамоат хавфсизлиги жараёнини қамраб олган ягона ахборот маконидир.

Бу ерда жойлардаги вазият ва ходимларнинг иш-ҳаракати рақамли технологиялар орқали таҳлил қилиб борилади. Хусусан, 10 мингдан ортиқ профилактика инспектори фаолияти 6 йўналиш бўйича назорат қилинади ва баҳоланади.

— Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш, уларга барҳам бериш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

ЯНГИ МАРКАЗ

ЖАМИЯТИМИЗДА ҚОНУНГА ИТОАТКОРЛИК ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони марказ ташкил этилишига асос бўлди, — дейди Мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш маркази бошлиғи Улуғбек Омонов. — Мазкур концепция миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири бўлган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжатдир. Зеро, жамоат хавфсизлиги қонунга ҳилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳамовонланганлиги ҳолати бўлиб, жамиятнинг барқарор ривожланишига ҳилоф қилади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқишини таъминлайди.

Стратегияда 2025 йил якунига қадар тизимни рақамлаштиришни 90 фоизга етказиш белгиланган. Бу жараён уч босқичда бажарилмоқда. Биринчи босқичда муаммолар ўрганилиб, иккинчисида шу асосда мутахассис ва дастурлар тайёрланди. Жумладан, 66 та ахборот тизими ва модули ишлаб чиқилди. Уларга вазирлик ва идораларнинг 77 та ҳамда Ички ишлар вазирлигининг 25 та ахборот тизими интеграция қилинди. Жамоат хавфсизлиги бўлимлари ҳодимлари 18 мингдан зиёд планшет билан таъминланди ва рақамли қурилмалардан самарали фойдаланиш бўйича ўқитилди. Натижада 155 та ҳисобот, 37 та иш юритиш соҳаси, юзга яқин қайднома ва йнigma материаллар рақамлаштирилган. Бунинг ҳисобига 213 миллиард сўм тежаланишга эришилган.

Учинчи босқичда Маълумотларни қайта ишлаш маркази ташкил этиб, соҳага сунъий интеллектни кенг жорий қилиш, усқуналарни маҳаллийлаштириш каби мақсадлар қўйилган.

Тизимда кўплаб муаммолар мавжуд эди. Улуғбек Омоновнинг қайд этишича, баъзи ҳолларда бу камчиликлар фуқароларнинг ҳақли эътирозига ҳам сабаб бўлган. Масалан, бирор шубҳали фуқаронинг шахсияти аниқлик киритиш, профилактик суҳбат ўтказиш ёки баённома тузиш учун уни ички

Бу жараёнда “Е-жамоат хавфсизлиги”, “Е-ижтимоий вазият” каби дастурлар, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат тартибни сақлаш хизматларининг ягона ахборот тизимлари ҳамда 6 мингдан зиёд “аккли” кузатув камераси интеграцияси ҳам қўл келмоқда.

Ички ишлар органларининг катта қисмини жамоат хавфсизлиги бўлимлари ташкил этади. Бу бўлимларнинг 4,5 мингдан

нинг кунлик ўртача 2-3 соат вақтини тежашга ёрдам берапти.

Шу билан бирга, марказ ва “маҳалла еттичилиги” ҳодимлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу маҳалларда жаноатчилик қаҳши курашидаги фаолиятни мувофиқлаштириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказ жамоат хавфсизлиги барча бўлими фаолиятини кунлик мувофиқлаштирилади, мониторинг ва таҳлил қилади. Ишнинг бу тарзда юритилиши, ўз навбатида, самардорликка эришиш, таҳлил натижаларидан келиб чиқиб фаолиятни такомиллаштириш, натижадорликка қаратилган режалар белгилаш ва амалга оширишда қўл келади.

— Йўл ҳаракати хизматини халқли ва шаффоф тизимга айлантириш борасида тизимли ишлар қилиб келинмоқда, — дейди ИИБ ЖХД ЙҲХХ етакчи мутахассиси Дилноза Ражабова. — Бунда йўл патруль хизмати инспекторлари малакасини ошириш муҳим масалалардан. Давлатимиз раҳбарига ИПХ инспекторларини ўқитиш инновацион хонаси тақдими ўтказилди. Ушбу синфхона бутуннинг талаблари асосида жиҳозланган.

Шунингдек, марказда видеоалоқа орқали профилактика инспекторлари, йўл патруль, пост патруль ва пробация ходимлари учун масофавий ўқувлар ўтказилади. Оммавий тадбирларни моделлаштириш орқали но-стандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш ва тезкор чора кўриш ўргатилади.

Бундан ташқари, Президентимизга Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг хорижий

Бугун жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саяй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагоқда.

ишлар биносига олиб боришга мажбур бўлинган. Мазкур ҳужжат қабул қилингандан кейин соҳа 86 фоиз рақамлаштирилгани натижасида фуқаролар билан ҳар қандай ҳолатни ортиқча оворагарчиликсиз, жойида ҳал қилиш тизими йўлга қўйилган.

ортиқ ҳисобот-жадвали бор эди. Фармон билан икки йилда уларнинг барчаси рақамлаштирилди. Натижада инсон омилсиз, тезкор онлайн олиш мумкин бўлган маълумотларнинг электрон архиви яратилди. Айнан мана шу амалиёт соҳа ходимлари-

давлатлар билан ҳамкорлиги ҳақида ҳам маълумот берилди. Жумладан, бутун 10 дан ортиқ давлат билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йили Россия ва Туркияда 50 ходим малака оширди. Шунингдек, хорижий ва маҳаллий олий ўқув юртлари билан илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда 400 ходим ОТМларда тахсил олмақда.

— Бугун барча соҳада сунъий интеллектнинг ўрни кенгайиб бормоқда, — дейди ИИБ академияси криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси Азизхон Оппоқхонов. — Одамларга қўлайлик яратадиган дастурлар билан бирга кибержаноатчилик, фирибгарлик усуллари ҳам кўпаймоқда. Бундай жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фойда этиш учун ички ишлар ходими илгор, зийрак бўлиши керак. Шундай экан, ўқув дастурларини такомиллаштириш, дуал таълим тизимини жорий этиш, дарслар ва илмий ишларнинг ҳаёт билан ҳаммафаслигини таъминлаш зарур. Ички ишлар органларида замонавий техник воситалардан фойдаланиш анча ривожланган. Ана шу мақсадда Ички ишлар вазирлигида учувчисиз қурилмаларни қўллаш бўйича тузилма ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Бугун жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саяй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклагоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этиш, бу борада мутлақо янги механизм ва тартиблар жорий этиш, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйиш ана шундай вазифалар сирасидан.

Мазкур марказ эзгу мақсадлар, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Таҳлил

ҲАММАГА БИР ХИЛ ШАРОИТ

Бу Жаҳон савдо ташкилотининг асосий талабларидан бири



Валижон Тўрақулов, Марказий Осиё университети (CAU) профессори

Электрон почта манзилмига яна бир яхши хабар келди. Унда ёзилишича, Ўзбекистон 2026 йилда Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига эришмоқчи. Бу масалага беварқ бўлмаган, ҳатто мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги ҳаракатларини мунтазам кузатиб борадиган иқтисодчи сифатида хабардан қувондим. Одатдагидек буни ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларим обуначилари билан бўлишдим. Ўз таҳлилларимни эълон қилдим.

енгилаштириши, ривожланиши, шу орқали юртимизга кўпроқ инвесторлар, маҳсулотлар кириб келишига йўл очади. Бозорлар тўйинади, нархлар арзонлашади.

Бундан ташқари, халқаро ташкилотга аъзо бўлишимиз ортидан савдо шартлоари янада яхшиланиб, мамлакатимиз орқали ўтадиган юк ташувлари ҳажми ошиб, давлатга қўшимча туловлар киради. Бунинг учун бизда имконият катта. Бойси, Ўзбекистон Евроосиё минтақасининг энг марказида жойлашгани сабабли бир томондан Хитойни, бошқа томондан Европани боғлайди, яъни муҳим транзит вазифасини ўтайди. Агар транзит харажатлари бизда қиммат бўлса, юк ташувлари Қозоғистон ёки Қирғизистон орқали ўтиб кетиши мумкин. Савдо шартлоари яхшиланиши аниқ шундан ҳаётли бўлади.

Учинчи масала — ҳуқуқий ва институционал ўзгаришлар. Стандартлар жаҳонга мослаштирилса ва ортага қайтмас бўлса, инвесторларнинг юртимизга ишончи ҳам, кириб келиш оқими ҳам ошади. Ортага қайтмас, деганда қабул қилинган ҳуқуқий қарорларнинг амалда бажарилмаслиги назарда тутилмайди ва ЖСТга аъзо бўлинганча, бу ҳолат кузатиламан.

Бойси, 166 давлат билан шартнома имзоландими, бундан осонликча воз кечи бўлмайди. Шунинг ўзи инвесторларда ишонч пайдо қилади. Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлганининг ўзиёқ қонуний

янада ривожланишида жуда катта роль ўйнайди. Буни иккига бўламан — маҳсулотлар ҳамда экспорт қилинадиган давлатлар диверсификацияси. Биринчи йўналишдаги кулайликлардан бири — юртимизнинг экспорт маҳсулотлари тури кўпайиши ортидан улардан бирининг нархи тушиши бутун бошли иқтисодиётга унчалик таъсир кўрсатмайди. Экспорт масаласида эса давлатлар танлови кенгайди. Бу иқтисодий жиҳатдан даромад олиб келади ва геосиёсий барқарорлиқни оширади, ҳар бир саноат ниёбий устунига кўра ривожланиб боради.

Олтинчи кулайлик — мамлакат иқтисодий ривожланиши ҳамда Жаҳон савдо ташкилотининг фаол кўмаги. Ўзбекистон ривожланаётган давлатлар қаторига киргани боис, ривожланган давлатлар инвестициялар киритиши орқали техник ёрдамларини беради. Бундай ёрдам ташкилотга аъзо бўлган давлатларга асло берилмайди. Бунинг кунда Марказий Осиё давлатларидан фақат Туркменистон ва Ўзбекистон ЖСТга аъзо эмас. Кейинги йилларда аъзоликка ҳаракатларнинг тезлашиб бораётгани бойси ҳам шунда.

Имкониятларимиз қандай?

Президентимизнинг юқорида номи қайд этилган фармони ЖСТга аъзолик ҳаракат-



ва институционал тузилмалари халқаро стандартларга мослашганини ифода қилади. Қолаверса, халқаро ташкилотнинг турли давлатлар ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш суди бор. Мана шу суд орқали исталган муаммо бартараф этилади. Бу юртимиз учун ҳам фойдали. Масалан, қайси бир тадбиркоримиз ЖСТга аъзо бирорта давлатга бориб савдо қилиши жараёнида адолатсизликларга учраса, ЖСТнинг низоларни ҳал қилувчи судига мурожаат этиши мумкин бўлади. Бу юртимиз тадбиркорлари, компанияларнинг бошқа давлатларда эркин, қонуний фаолият юритишига йўл очади.

Туртинчи жиҳати, иқтисодий ислохотлар, яъни ўзаро ҳамкорликнинг шаффофлиги. Халқаро ташкилотга аъзо давлатлар бир-бирининг ўйин қондаларини ЖСТнинг маълумотлар дата базаси орқали бемалол кўра олади. Ташкилотга аъзолик шу ислохотлар тезлашишига сабаб бўлади. Тасаввур қилинг, иқтисодий ислохотларни мамлакатнинг бир ўзи қилгани қаерда, 166 давлат тажрибасидан ўрганиб амалга ошириш қеъда.

Бешинчиси — диверсификация. Мамлакатимизда инфратузилма, асосан, қишлоқ хўжалигига мослашгани кўринади. Шу жиҳатдан, экспорт маҳсулотларини диверсификация қилиш юртимиз иқтисодиёти

технологиялари соҳаси ривожда ҳам жуда катта яхши ўзгаришларга сабаб бўлади ва рақамли технологиялар саноат тараққиётига яхшигина ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, тарифларни бирхиллаштириш, нотариф чекловлар ва турли преференциялардан воз кечиш кўзда тутилган. Давлат харидларида соғлом рақобат муҳитини рағбатлантириш мақсадларида жиддий қадамлар қўйилиши белгиланган. Агар фармонга киритилган вазифалар ўз муддатларида ижро қилинса, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши ҳаракатлари мақсадлардан амалий реализка кўчади.

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлишидан айрим соҳалар зарар кўради, деган асарлар ҳам йўқ эмас. Аввало, аниқлаштириб олайлик, агар қайси бир соҳанинг зарар кўриши аниқ бўлса, нима учун ЖСТга аъзо бўлоқчимиз? Чунки зарар бўлган тақдирда ҳам у ялли фойдага нисбатан жуда кичик бўлади. Ялли фойданинг катталиги зарарни қоплаб юборади. Ундан ташқари, “зарар” деяётганимиз чин маънодаги зарар эмас, балки ҳақиқий бозор иқтисодиётга ўтиш жараёнида ресурслар тақсими самарадорлиги ўсиши натижасида юзага келадиган вақтинчалик “ўзаршиш”, холос. Бунда умумий қонда шунки, савдога эркинлик берилганда, самарадорлиги паст соҳалар йўқ бўлиб, ўрнига самарадорлиги юқори соҳалар келади. Бойси, самарасиз соҳа, у катта ёки кичик бизнес бўлсин, халқаро рақобат олдида туриб бера олмайди. Самарадорликнинг юқорилиги эса маҳсулот сифати ва миқдорини ошириб, нархини туширади. Экспорт бозорида рақобатбардорлик ортиб, иқтисодий фаровонлик ўсиб боради.

Ҳўш, юртимизда қайси соҳанинг самарадорлиги юқори? Хусусий бизнес. Давлат корхоналари эса кўп ҳолларда кам самара билан ишлайди. Бунинг қатор сабаблари бор. Масалан, хусусий тадбиркорнинг бизнес бошлашга рабағти — иқтисодий, давлатники эса сиёсий. Бизнес иқтисодий рағбатлар сабаб ривожланади, сиёсий сабаблар билан эмас. Шунингдек, хусусий тадбиркор банкрот бўлса, қарзларини ўзи тўлайди, давлат корхонасиники эса халқ солиқлар орқали тўлайди. Шу боис, бизнес оламида “тирик қолиш”га интилиш хусусий тадбиркорда куचирок бўлади.

ЖСТга аъзо давлатлардан хусусийлаштириш бўйича ислохотлар талаб этилади. Мамлакатдан ҳар кимга бир хил, адолатли муносабатда бўлиш ваъдалари олинади. Натижада халқаро рақобатга дош бера олган давлат корхоналари ўрнини хусусийлар эгаллайди. Халқда эса танлов имконияти ошади.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотининг 2026 йилда бўлиб ўтадиган вазирлар йиғилишига аъзоликка эришиши кўзлаштира. Ҳўш, 2 йил ичида халқаро ташкилотга аъзо бўла оламизми? Назарий жиҳатдан бунинг имкони бор. Бир мисол, Қирғизистон ЖСТга 2 йил ичида аъзо бўлган. Бироқ 90-йиллар охирида аъзо бўлиш нисбатан осонроқ бўлганини ҳам унутмаслигимиз керак. Аммо яна бир ишонч берадиган жиҳати, ЖСТ аъзо давлатлар вазирлар ўртасида ҳар икки йилда ўтказиладиган конференцияга “совга” тайёрлашни ҳў кўради. Охириги — Абу-Дабидаги йиғилишда ҳам Комор ороллари ва Шарқий Тимор ЖСТга расман аъзо бўлди.

ЖСТга аъзо бўлишда ишчи гуруҳ йиғилишлари жуда муҳим. Бу каби йиғилишларда халқаро ташкилотнинг 166 аъзоси Ўзбекистон вакиллари саволга тутати. Қозоғистон 20 та, Россия 30 та музокара йиғилишидан сўнг ЖСТ аъзолигига қабул қилинган. Бизда эса энди 8 тагина музокара бўлиб ўтди. Аммо Камерундаги конференция 2026 йил декабрь ойида бўлишини ҳисобга олсак, бизда ҳали уч йилга яқин вақт бор.

Ўзбекистоннинг сўнгги уч ишчи гуруҳ йиғилишлари 2022 йил июнь, 2023 йил март ҳамда ноябрь ойида бўлганига кўра, 2024 йил майдаги йиғилиш анчагина тез амалга ошганини кўриш мумкин. Бу ҳўқумат ЖСТга аъзо бўлиши тезлаштиришга уринаётганидан далолат. Ҳўзиргача мамлакатимиз Доминикан, Исроил, Япония ва Уругвай билан икки томонлама шартномаларни тугатган ва яна 33 та давлат билан фаол музокара ўтказмоқда.

Шарҳ

МАНФААТЛАР Тўқнашувини АНИҚЛАШГА ЁРДАМ БЕРГАНЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Наримон УМАРОВ, Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси



Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсадлар йўлида улкан янгиланиш жараёнида тараққиётнинг асосий тушови — коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашиш бўйича изчил чоралар кўрилоқда. Хўсусан, кейинги 6 йил давомида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган 80 дан ортиқ, шундан бевосита коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи 10 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳўжжат қабул қилинди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларини қабул қилиш орқали ушбу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ҳар йили белгилаб олиш амалиёти жорий этилди.

Давлат хизматларини электрон тарзда кўрсатиш тизими яратилиши натижасида маълумотлар беришда турли коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи инсон омили камайтирилишига эришилди. Ҳўзир аҳолига 400 га яқин давлат хизмати электрон шаклда кўрсатилоқда.

Маҳаллий давлат ҳўкимияти органлари томонидан ер ресурсларини тўғридан тўғри бериш амалиёти бекор қилиниб, фақат аукцион орқали сотиш амалиётига ўтилди.

Республика даражасидаги давлат ва хўжалик ташкилотлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўкимиятларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

Коррупцияга оид ҳўқуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш механизми жорий этилди.

Давлатимиз раҳбари шу йил 5 июнь кўни имзолаган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашуви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган яхлит ҳўжжат экани билан аҳамиятлидир.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ушбу қонунни ишлаб чиқишга қандай зарурият бор эди?

Биринчидан, айрим қонун ҳўжатларида манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунириш берилган бўлса-да, давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишининг аниқ механизми белгиланмаган эди.

Иккинчидан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган мавжуд эмасди.

Учинчидан, давлат ташкилоти ҳодимлари манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган манфаатлар тўғрисида хабар бериш амалиёти йўлга қўйилмаганди.

Тўртинчидан, давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва тартибга солишининг самарали ҳўқуқий механизми бўлмаган.

Бешинчидан, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича ҳўқуқий асослар мавжуд эмасди.

Олтинчидан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашуви олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ҳодимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган бўлса-да, қонунчилик ҳўжжатларида жавобгарлик масалалари назарда тутилмаганди.

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунда эса юқоридаги қайд этилган барча муаммолари масалалар ўз ечимини топтоқда. Жўмладан, қонунда давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уларни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб берилган.

Аввало, қонуннинг қўлланилиш доираси аниқ белгиланмоқда. Яъни:

- давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳўкимияти органларига, давлат муассасаларига, давлат унитар корхоналарига, давлат мақсадли жамғармаларига, шунингдек, устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан, шунингдек, ўз устав фондида давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилади; — давлат ташкилоти ҳодимлари ва уларнинг яқин қариндошлари устав фондидаги улушларига ёки акцияларига эгаллик қиладиган ёки бошқарув органи ва кузатув

кенгашининг аъзоси бўлган юридик шахслар ушбу ҳодимларга алоқадор шахс ҳисобланиши мустаҳкамланмоқда; — манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича асосий принциплар белгиланмоқда; — давлат ташкилоти ҳодимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар назарда тутилмоқда; — давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлиmlарига ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари вазифалари белгиланмоқда; — манфаатлар тўқнашувини тартибга солишдаги маълумотлар шахста доир маълумотлар ҳисоблангани боис, уларнинг маҳфўллигини таъминлаш бўйича чоралар назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонунда манфаатлар тўқнашуви оид талабларни бузганликнинг ҳўқуқий оқибатлари белгиланмоқда. Жўмладан, манфаатлар тўқнашувини маълум қилмаслик ёки унинг тартибга солилмагани учун интизомий ёки қонунчиликда белгиланган бошқа жавобгарликка тортиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган қарорлар ва тузилган битимлар бекор қилиниши суд тартибда ҳақиқий эмас, деб топилиши, коррупция, шу жўмладан, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимлар суд тартибда ҳақиқий эмас, деб топиш асослари мустаҳкамланмоқда.

Қонуннинг амалиётта самарали жорий этилишига қаратилган яна бир муҳим жиҳати, уни давлатимиз раҳбари имзолаган, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Унга кўра, жорий йил якунигача E-anticor.uz электрон платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи электрон модул ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, инсон омилсиз жараёнларнинг назорат қилиш, яъни очиқликни таъминлайди. Шу билан бирга, жамоатчиликнинг фаол қатнашиши белгиланмоқда. Хўсусан, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни аниқлашда жамоатчилик иштирокчини таъминлашга қаратилган қўйида амалиётлар жорий этилмоқда:

- давлат органлари ва ташкилотлари ҳодимлари фаолиятида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари бўйича тегишли далилларни илова қилган ҳолда уларни аниқлашда фаол ёрдам берган шахсларга ундирланган жариманинг эллик фоизи миқдорда мукофот пули бериш; — Республика идораларора комиссиясининг ишчи органлари томонидан ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар, уларни бартараф этиш, шунингдек, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қўрилган чоралар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш. Хўлоса тариқасида айтганда, жамиятимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ҳамда адолатли жамият қурилишига зарур бўлган маъзуқ қонуннинг ҳаётимизга татбиқ этилиши натижасида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишининг аниқ қонуний механизми белгиланди. Қонун билан, биринчи навбатда, давлат идоралари ҳодимлари ва мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилди, фаолияти очиқлик ва шаффофлик таъминланди, асосида ташкил этилиши таъминланди. Энг асосийси, давлат хизматчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган коррупцияга оид ҳўқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади.

Ислоҳот одимлари

"ЁШЛАР ДАФТАРИ" ҲИСОБОТ УЧУН ТАШКИЛ ЭТИЛМАГАН

Фарғона туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Исломжон Муҳаммаджонов ўтган йили Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этган "Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси" танловида "Энг намунали маҳалла етакчиси" номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди. Танловда маҳалла ҳудудида ташкил этилган "Обод таълим" лойиҳаси ўзига хослиги билан кўпчилик эътиборини қозонди. Бу бежиз эмас. Президентимизнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чекка ва олис ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшлар ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирди.

"Обод" маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар етакчиси вазифасида икки йилдан буён иш юритаётган Исломжон шу маҳаллада ўсиб улғайди. Шу боис, ҳудуддаги ҳар бир тендошининг хоҳиш-истаклари, мақсади, қарашлари, муаммолари унга таниш. Маҳалла аҳлининг 613 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлар. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, халқ миллий ўйинлари ва спорт турларини оммалаштириш, беш муҳим ташаббус доирасида спорт беллашувлари, ёшлар фестивали ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш борасидаги амалий ташаббуслар маҳалла ўғил-қизларини ягона мақсад йўлида бирлаштирди, янги мақсад ва ғоялар сари даъват этмоқда. Бугунга қадар етакчи қўмағида ёшларнинг 250 дан ортиқ мурожаатига ечим топилди.



— Бу мурожаатларнинг аксариятида замонавий касб-хунар эгаллаш, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўргатиш истаги билдирилган, — дейди ёшлар етакчиси. — Мурожаатларни ижобий ҳал этиш учун маҳаллий тадбиркорлар ҳомийлигида маҳалла марказида контейнердан тайёрланган "Обод таълим" ўқув марказини ишга туширдик. 50 ўринга мўлжалланган марказда рус ва инглиз тиллари, компьютер саводхонлиги, график дизайн ўқув курслари ташкил этилди. Лойиҳа аввалида 4 турдаги тўғрақларнинг ҳар бир гуруҳига 12 нафардан ёш қамраб олиниши режалаштирилган. Лекин бу йўналишда бошланғич билим олиш учун машғулотларга қатнаётган ёшлар 90 нафардан ошди. Таълим марказида ўқиш сифатини яхшилаш учун юқори салоҳиятли мутахассисларни жалб қилганимиз. Ўқиш мутлақо bepул. Ундан нафақат маҳалламиз ўғил-қизлари, балки қўшни маҳалла ёшлари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Етакчи тавсияси билан "Ёшлар дафтари"га киритилган 14 ўғил-қиз "Келажак

матн ва суратлар жойлаштириш жараёнида мустаҳкамлайди. Музаароф маҳалладаги интилувчан, ташаббускор ёшлардан. Болаликдан кураш билан шугулланиб келган. Мақсади бир олам. Жумладан, мамлакат, жаҳон спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш. Шу мақсад йўлида машғулотларга зўр берди. Икки йил аввал мусобақадда олган кутилмаган жароҳат оқибатида оёқ-қўли ишламай қолди. Бу ҳолат ёш спортчининг турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатди, албатта. Ҳаётга қизиқиши сўниб борар, яқинлари меҳр-муҳаббатидан куч олса-да, эртанги кунга ишончи кучли эмас эди. Шундай кунларнинг бирида



бор туман, вилоят, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади.

Ҳаёт бир маромада давом этмайди. Унинг ўзига яраша ютуқ ва муаммолари бор. Аммо бу тушқулликка асос бўлиб қолмаслиги керак. Фақат олга интилиш, фазилатли кишиларга йўлдош бўлиш ҳар қандай оғир вазиятни енгиб ўтиш имкониятини беради.

Нодирахон Ҳамралиева оиладаги тўрт қиз фарзанднинг энг кичиги. Бокучиси йўқ. Ҳаста она ва опасининг ягона сувчиги бўлгани учун оиланинг бор масъулияти унинг зиммасида. Маҳаллада ижтимоий ҳимоя муҳтож хотин-қизлар билан мулоқот жараёнида "Ёшлар дафтари"га киритилди. Нодирахон аёллар саргарошлиғига қизиқар, лекин уй юмушларидан ортиб, бу ишни бошлашга журъат топа олмаётганди.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси қўмағида тадбиркор Лиана Калашяндин хунар сир-асорини ўрганди. "Ёшлар дафтари" тизими орқали Нодирахонга зарур иш қуроллари субсидия асосида олиб берилди. Маҳалла марказидан ижара асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун зарур шарт-шароит яратилди. Ҳозир бу ерда Нодирахон Ҳамралиева аёллар "Тўзаллик салони" очиб, икки дугонасига хунар ўргатиб, элга хизмат қилляпти.

— Барча қийинчилик ортда қолди, — дейди ўз ишидан мамнун Нодирахон. — Маҳалладошлирининг дуо ва тилагидан куч-қувват олам. Ҳалол меҳнат ортдан даромад топиб, оилам қорига яраётганимдан хурсандман.

Обод маҳалласида ёшлар етакчиси ташаббуси билан кўплаб ижтимоий лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда. Айни пайтда 30 июнь — Ёшлар кунига ўзига хос тарраҳуд кўриляпти. Шу муносабат билан "Ёшлар ҳашари" бошланган. Маҳалла ёшлари ягона мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудларда мевали ва манзарали дарахларни парваришlash ва тозалаш ишларида фаол қатнашапти. Кекалар, бокучиси йўқ, яқна-ёнгиз фуқаролар ҳолидан хабар олиниб, уй ва томорқа юмушларида кўмаклашиляпти.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Нуқтаи назар



ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА, КЎЧАДА ИЧ

Халқимизнинг бу доно мақоли асрий ҳаёт тажрибасига таяниб чиқарилган ҳулосадир. Ушбу лўнда ифодада халоллик, одиллик, шаффофлик ва очиқлик каби юксак мезонлар мужассам.

Шухрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Адолат қонунини ифодалаб турувчи рамзни яхши биласиз. Унда икки кўзини пешонабоғ билан боғлаган Фемида тенг турувчи адолат тарозисини тутиб туради. Лекин доно боболаримиз бундан ҳам ўзга тимсолни кашф этган. "Куч — адолатда" деган ҳикматни Ёзиб қолдирган буюк соҳибқирон Амир Темур замонасининг донишманд алломасига "Икки посангидан иборат тарозиди баъзан адолатга эришиб бўлмаяпти, нима қилайлик?" деб мурожаат қилибди. Донулар доноси ҳукмдорга бошқа рамзни тақлиф этибди. Адолат деб аталмиш тарозининг бир палласига жиноят, иккинчи палласига жазо қўйилган экан. Шунда тарозига учинчи палла қўшилиб, Инсон омилиси ишлайдиган мазкур электрон дастурни судьялар фаолияти яққол акс этувчи кўзга дейиш ҳам мумкин. Бунда судьялар бу кашфиётни бир овоздан маъқуллабди, олқишлавди.

Тўғри, ҳар қандай жиноят қонун доирасида ҳолис ва ҳуқуқий баҳолашниши керак. Лекин шу ҳаракатни амалга оширган инсон ўзи жамиятда қандай одам, унинг асл нияти, мақсади нималардан иборат? Янги Ўзбекистон шароитида юқори ўринга қўйилмаган инсон манфаати ҳам шу ғояга ҳамоҳанг эмасми!

Биз уч паллали тарозини Судьялар олий кенгаши идорасида кўрдик. Зотан, бу даргоҳда адолат, шаффофлик, ошкоралик устуворлиги учун яна бир қанча янги ёндашувлар бор экан. Айтилайлик, судьялик лавозимига номзоди қўйилган мутахассис белгиланган хонада кенгаш аъзоларининг саволларига жавоб берад экан, мазкур жараёни номзоднинг ота-онаси ёки яқин кишини масофадан туриб кузатиш

имкониятига эга. Муқобил номзод эса ушбу жараёни кенгаш фойесига ўрнатилган катта монитор орқали кўриб туради. Шу орқали судьялик лавозимига танлаш ва тайинлашда очиқлик ва шаффофлик таъминланмоқда.

Илгари бундай тартиб йўқ, ҳаммаси "ёпиқ эшиклар" ортида ўтарди. Номуносиб деб топилганларнинг аксарияти "ҳама-ма саволага тўлиқ жавоб бердим, фақат охирида озгина адашдим, мени ноҳақ ўтказишмади", деб айбни кенгаш аъзоларига ағдариб қўя қоларди. Эндиги вазиятда номзоднинг ҳақиқий даражаси яққол кўриниб туради.

Судьялар олий кенгаши жорий этган яна бир тартиб эътиборга молик. Кенгаш судьялар фаолияти самарадорлигини очиқ ва шаффоқ баҳолаш бўйича миллий электрон рейтинг тизимини ишга туширди. Инсон омилиси ишлайдиган мазкур электрон дастурни судьялар фаолияти яққол акс этувчи кўзга дейиш ҳам мумкин. Бунда судьялар бу кашфиётни бир овоздан маъқуллабди, олқишлавди.

Шунигиндек, иш ҳамми, тил билиши, фаолиги каби сифатларга қўшимча балл берилди. Энг юқори рейтинг балла эга судьялар "Ибратли судья" мукофоти билан тақдирланса, рейтингни пастрокларнинг малакасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилади. Бу кўрсаткичлар уларни судьялик лавозимига бўлишинг набатдаги мудағитга тайинлашда, албатта, инобатга олинади.

Судьялик лавозимига танлаш ва тайинлаш очиқ танлов шаклида ўтаётгани, шунингдек, улар фаолияти электрон рейтинг орқали баҳоланаётгани очиқлик ва шаффофликни таъминлаш билан бир қаторда коррупциянинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Дахлдорлик ҳисси

БИЗ ҚАНЧАЛИК ЎЗГАРДИК?



Эркин ХОЛМАТОВ, Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи

Президентимиз илгари сурган ва ҳар томонлама илмий-фалсафий асослаб берилган янги Ўзбекистон ғояси бугунги кунда халқимизнинг қалбидан чуқур жой олди, умум-миллий ҳаракатга айланди. Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг қадри бор жамият барпо этишдек улғувроқ мақсадга интилиш, қатъий ишонч ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий жабҳалардаги барча саъй-ҳаракатларда йўлчи юлдуз вазифасини ўтамоқда.

Ривожланган давлатлар муваффақияти калити фақат ишбилармонлиги тадбиркорликка катта эътибор, демократик ва ҳуқуқий тамойиллар устуворлигидигина эмас. Тўғри, тараққийда ушбу тамойилларнинг ўрни ўта муҳим. Бироқ ривожланишнинг мохиятини белгилаб берувчи омиллар жуда кўп. Улардан бири жамиятда кенг жамоатчиликни белгиланган улғувроқ мақсад сари етаклашга сафарбар қила оладиган, халқнинг асрлар давомидаги орзу-умидлари билан уйғун бўлган, барча ишонч билан интиладиган ғоянинг мавжудлигидир.

оддий одамларнинг ҳам кўксига теккан қадр экани ушбу мушоҳадаларнинг тамал тошидир.

Бугунги кунда туб ислохотлар самараси энг чекка ҳудудларга ҳам етиб борди. Йиллар давомида одамларни ташвишга солиб келган ичимлик сув, электр энергияси таъминоти, йўл, тиббий хизмат, қандай бўлса ҳам соҳаларга қаратилган эътибор қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди.

Биз ҳаётнинг аччиқ-чучуғини таътиган, бугунги дориларимон кунларда кексалик

гаштини сураётган кўплаб нурунийларни биламиз. Ҳудудда янги ўзгаришларни бошлар эканмиз, улар билан маслаҳатлашамиз, тақлиф ва мулоҳазаларига қўлоқ тутамиз. Шу ўринда бир учрашувда оқсоқоллардан бири: "Одамларимиз роса эркатой бўлиб кетди. Кунда бўлмасаям кунора эшигини биров тақиллатиб йўқлаб келади. Бир қарасанг, секторданмиз дейишадди, бир қарасанг, ҳоким ёрданмизми, дейди. Бир қарасанг, партияданман, дейди. Ҳатто банкдан ҳам келибди. Бари хушмуомала, "Оқсоқол, нима ёрдан керак, қандай муаммо кўинапти? Невадаларингизни тадбиркорликка йўналтирайлик, маблағ берайлик", дейишадди баракка топгулар.

тенги раҳбардан дакки эшитиб, изза бўлган кезларимиз ёдимизга тушади. Ахир яқин-яқингача биров оддий одамга бормисан, йўқмисан, ҳолинг қандай, демасди-да. Бугунги кунларнинг қадрига етайлик.

"Бу кунларга етанлар бор, етмаганлар бор, шундай экан, биз ҳам баҳоли қудрат эгуи ш қилаётганларга сафдош бўлсак", дейман ҳаммага". Ўйлаб кўрилса, йиллар давомида кўпчилик онгига сингдирилган давлатнинг ҳар нарсадан устуворлиги ҳақиқатда тушунонлик бартараф этиш учун фақатгина куруқ гап эмас, амалий ишлар ҳам талаб қилинади. Қолаверса, ушбу амалий ишлар натижаси ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориши зарур эди. Бугун жойларда одамлар билан мулоқотда бўлар эканмиз, ислохот самараларига амин бўлишимиз мумкин. Яна бир мисол. Яқин-яқингача одамлар учун автомобил сотиб олиш фаровонлигининг энг юқори белгиси сифатида кўриларди. Бугун-чи? Меҳнат қилиб, даромад топаётган оддий аҳоли хонадонларида нафақат юртимизда ишлаб чиқарилган, балки хориждан келтирилган машиналарни ҳам кўриш мумкин. Бу халқимизнинг даромади кўпайганидан далолат, албатта.

Бироқ ҳар яҳшининг бир ёмони бор, деганларидек, афсуски, "нима бўлса, давлат бериши керак", деган боқимданлик тушунчасида

юртанлар йўқ эмас. Фидоийлик қилиш, "Ватан менга нима берди, деб таъма қилмасдан, мен шу Ватан равнақига қандай ҳисса қўшдим", деган тушунча билан яшаш вақти алақачон келган.

Бу борада маҳаллага катта масъулият юкланган. Бугун ишламан деган, даромад топаман деган одам учун маҳаллаларда барча шароитлар яратилмоқда. Биргина жорий йилнинг апрель ойида 9 та тижорат банки томонидан вилоят бўйича 2741 та хонадонга 62 миллиард сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, аҳоли томорқасидан самарали фойдаланишни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит ва ҳомийлик ҳисобидан аҳоли хонадонларига 112,1 миңта товук, 17,6 миңта бедана, 7,8 миң беш қўй ва эчки, 1443 бош қорамол, 1523 қути асалари етказиб берилди.

Тўғри, ечимини кутиб турган муаммолар ҳам талайгина. Уларнинг энг асосийси — аҳоли бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаларини шакллантириш. Ушбу муаммолар ҳам бир пайтлардагидек яширилаётгани йўқ. Ошкора айтилмоқда, чора-тадбир илганмоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида жорий йил январь-апрель ойларида 68 миң 180 кишининг бандлиги таъминланди. Бу эса аҳолини камбағалликдан чиқаришга ташланган салмоқли қадамлардан биридир.

амалга ошмаяпти. Ўрта ва кичик бўгин раҳбарлари жон куйдириб ишламаяпти. Барча фидоийлик билан меҳнат қилса, юртимиз жаннатмонанд гўшага айлиб кетади", деган гапларни эшитиб қоламиз. Қўлимизни кўксимизга қўйиб айтилайлик, одамларнинг бу гапига жон бор. Жойлардаги айрим ўрта ва қўйи бўгин раҳбарларида фидоийлик, жонбозлик етишмаяпти.


Жорий йил май ойи бошида пойтахтимизда учинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтганди. Унда иштирок этган Қирғизистон Бош вазيري Ақилбек Жапаровнинг: "Бир пайтлар биз Сингапурга ўхшашани оруз қилиб, жаноб Ли Куан Ю китобларини ўқиган бўлсак, бугун хурматли Шавкат Мирзиёев чиқишларини, Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган ишларни диққат билан кузатмоқдамиз. Бу анжуманга ҳам 100 кишидан ортиқ делегация билан келдик. Мақсадимиз — Ўзбекистонни Марказий Осиёда етакчи ўринга олиб чиққан томонларини ўргатиш", деган гапларини кўпчилик олқишлар билан кутиб олди.

Анжуманнинг яна бир меҳмони, Хитой ижтимоий таъминот вазيري маслаҳатчиси Енг Лиу Янг эса "Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этиш, республикани иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишлар тахсинга лойиқ. Бу жараёнда нафақат давлат, ҳукумат аъзолари, балки оддий халқ ҳам иштиёк билан қиришганига гувоҳ бўлдик", деди. Юқори мартабали меҳмонларнинг бу сўзлар мулозamat эмас, албатта. Ушбу сўзлар юртимизда кечаётган туб ислохотлар самарасининг эътирофи. Форум доирасида бундай эътирофларни кўплаб хорижий меҳмонлар таққорлади. Улар замирида халқимизнинг ишонч ва қатъий билан амалга ошираётган улкан саъй-ҳаракатлари етибди. Қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятларнинг бардавом бўлиши эса сизу бизга, Ватан тақдирига, халқимиз келажакка берафқ бўлмаган барча юртдошларимизга боғлиқ. Шундай эмасми, азизлар!



АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Корейс тилида ёзувчи адибларнинг IX халқаро конгресси якунига етгач, биз Сеулга қайтдик. Боришда микроавтобусда борган бўлсак, қайтишда ўзимизнинг "Афросиёб"га ўхшаган тезювар поездга чиқдик. Икки кун Сеулнинг диққатга сазовор жойлари — тарихий ёдгорликлар, кутубхоналар, денгиз бўйларини кўриш имконига эга бўлдик.



ОЙ САМОДА СОЧАВЕРАР НУР

Жанубий Корея сафари таассуротлари

Инсон умри йўлларда кечар экан. Илк бор йўлим Шахрисабз деган катта шаҳарга тушган. Шаҳри Кеш билан қишлоғим — Хўжайилмқони ўртасидаги масофа тахминан 20-25 километр. Болалигимизда отам бизни етаклаб, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва темир йўллар томонидан бунёд этилган Оқсаройи Кўкжумбазлар зиёратига олиб борган. Тарихий ёдгорликлар ҳақида гапириб берган. Уша пайтларда бу тарихий ёдгорликлар ҳақида на бировдан эшитганимиз, на бир дарсликдан ўқганимиз. Устозимиз Абдулла Орипов "Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали" деганидек, отам туфайли биз "Америка" кашфиётига гувоҳ бўлгандик.



Файрат МАЖИД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир

Яхши эсимда, ўшанда ҳар саёҳатимдан сўнг отамдан эшитганларимни синфдошларимга тўлиб-тошиб айтиб берар эдим. Қизиқ, отамнинг ҳикояларини дафтарчамга ҳам ёзиб қўйган эканман. Шу-шу тақдир тақозоси билан хизмат юзасиданми, кўнгил амри биланми сафарларга борсам, албатта, кўрган-билганларимни ёзиб қўйиш, дўстларимга ҳикоя қилиб беришни одатга айлантирдим.

Бу гал йўлимиз Жанубий Корея томон тушди. Бизни корейс тилида ёзувчи адибларнинг IX халқаро анжуманига таклиф этишди. Ўзбекистон томони анжуманининг махсус меҳмони бўлди.

Гапнинг рости, Жанубий Кореяга боришни анчадан бери орзу қилар эдим. Бу юртга бўлган қизиқимиз ва интилишимнинг бир қанча сабаби бор. Аввало, корейс шоирлари асарларига мафтунлигим бўлса, иккинчидан, корейс киноижодкорлари томонидан ишланган фильм ва сериалларга чинакам мухлислим. "Сарой жавоҳири", "Сўнгги қиролчи", "Денгиз ҳукмдори", "Қиш сонатаси", "Қалбим чечачи" каби корейс телесериаллари ўз режиссураси, актёрлар маҳорати, либослар, сахналар дизайнери каби жиҳатлари билан ўзбек кино мухлисларини мафтун этган.

Бундан ташқари, ушбу мамлакат иқтисодининг мўъжизавий даражада юксалгани сабаб бу "сир"га ҳар доим қизиқиб келаман. Яшаш жойим туфайли фарзандларим билан гоҳ-гоҳ оёқ ёзди қилиб Сеул кўчаси бўйлаб Миллий боғимизга келамиз. Шу кўча ҳам менга Жанубий Кореяга қизиқтирилганимни ортирган, десам хато бўлмайди.

Корейс адабиётининг Чон Чхол, Ким Кван Ук, Ли Чон Гу, Юн Сон До, Ан Мун Ён каби вакиллари асарлари "Шарк юлдузи", "Ешлик", "Жаҳон адабиёти" журналлари саҳифаларида Хуршид Даврон, Мирпўлат Мирзо, Карим Бахриев, Шермурод Субҳон сингари ижодкорлар таржимасида мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Бир ўқиганда киши онгу шуурини забт этган бу нури сатрларни унутиб бўладими, ахир.

Шу ойни самода кўрдим олдин, Утган йил ҳам боққан, тўлиб чиройга. Иш ўтди ва яна бу оқшом ойдин, Яна термиланган шу гўзал ойга. Ангадими: йил ўтур, инсонлар ўтур, Ой эса самода сочаверар нур...

Ярим тун. Машина сокин шаҳар кўчалари бўйлаб Тошкент халқаро аэропорти томон олиб бормоқчи. Манзилга етиб келгач, чиптани рўйхатдан ўтказиб, кутиш залига ўтдим. Ҳамроҳларим ёзувчи ва журналистлар Фозил Фарҳод, Аҳмад Тўра, Ташқи ишлар вазирлиги Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик бошқармаси биринчи котиби Нукусбой Алжонов, телемухбирлар Муҳаммад Алимардонова, Ислам Қодиров аллақачон етиб келган экан. Ҳадемай самолётимиз Жанубий Корея пойтахти Сеул томон "қанот қоқди". Мана, барчамиз самолёт салонога кириб, ўриндиқларимизга жойлашиб олдик. Ҳамма ўз хаёли билан банд. Менинг эса Жанубий Корея билан боғлиқ ўқиганларим хаёлимдан ўтмоқда.

Корея Республикаси жаҳоннинг энг қадимги тамаддун ўчоқларидан бири. Утган асрда Жанубий Корея иқтисодиёти жуда тез суръатда ўсиб, жаҳоннинг катта йиғирмалик давлатларидан бирига айланди. Бутунги кунда Жанубий Корея тўрт Осиё йўлбарсидан бири ҳисобланади. Жанубий Корея иқтисодиёти юқори технологиялар ва қўлай инфратузилмага асосланган, корейс ишбилармонлари Samsung, LG, Hyundai, Kia каби брендлари билан

электроника, автомобиль, кема, машина ва роботлар ишлаб чиқаради. Жанубий Корея илм-фан ривожланган энг илғор давлатлар сафида туради.

Турфа ўйлар оғушида Сеул халқаро аэропортига келиб қолганимизни сезмай ҳам қолибмиз. Самолётдан тушганимизда Сеул осмонида кўёш чарақлаб турганди. Бизни Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси вакили Сардор Содиқов, таржимон талаба қизларимиз Фотима ва Зуҳра Миржалоловалар, мезбон дўстларимиз — ёзувчи, ношир, журналистлар Чо Чол Хён ва Чхве Хи Ёнг билан кутиб олди. Дарвоқе, таниқли ёзувчи Чо Чол Хённинг "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев" китоби, адиб Чхве Хи Ённинг "Ўзбекистонга муҳаббат" рисоласи Жанубий Кореяда кўп минг нусхаларда нашр этилган. Бу икки адибнинг ватанимизга, давлатимиз раҳбарига, халқимизга меҳру муҳаббатидан қувондик.

Микроавтобусга ўтириб, тадбир белгиланган манзил — Кванжу шаҳри томон йўлга тушдик.

Сеул билан Кванжу ўртасидаги масофа 300 километрга яқин. Юмшоқ ўриндиқли микроавтобус енгил машина каби елиб бормоқда. Ҳаммамиз автобус деразаларидан атрофни кузатиб бораётимиз. Кванжу шаҳрига келиб, "Holiday" меҳмонхонасида жойлашдик. Корейс тилида ёзувчи адибларнинг IX халқаро конгресси ўтадиган бино — Ким Да Чжун анжуманлар маркази ҳам бу ердан унча узок эмас, шундоққина меҳмонхонамиз рўпарасида экан.

Кванжу Жанубий Кореянинг олтинчи йиллик шаҳридан бири. Тарих китобларида битилишича, шаҳарга милоддан аввалги 57-йилда асос солинган. Корейс шеърининг каса услуби шу ерда вужудга келган, дейилади маълумотларда. 1914 йилга келиб, Кванжуни Сеул билан боғлайдиган темир йўли қўлади. Шундан кейин шаҳарда санаот жадал ривожлана бошлади. Мамлакат ҳамда халқаро миқёсдаги кўплаб нуфузли илм-фан, адабий-маданӣ, спорт анжуманлари айнан Кванжу шаҳрида бўлиб ўтади. Биз иштирок этган тадбир ҳам йиллик халқаро адабий анжуманлардан бири.

Дунёнинг барча мамлакатларидан беш юздан ортиқ ижодкор жам бўлган анжуманлар залига келдик. Жанубий Кореядаги Халқаро ПЕН маркази раҳбари Ким Ёнг Жэ (мақолани ёзиб тугатган пайтимида Ким Ёнг Жэ вафоти ҳақида нохуш хабар келди. Яқинларига сабр берсин) тадбирини очар экан, халқаро анжуманининг бу галги меҳмони Ўзбекистон эканини катта маънуният билан эълон қилди. Очилиш маросимидан менга ҳам сўз берилди. Икки халқ адабиёти ва келажакдаги адабий алоқалар истиқбол ҳақида сўзладим. Ингилганларга юртимизда ижод ва қалам аҳлига берилаётган эътибор хусусида гапириб бердим. Адиблар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, атоқли адибларимиз номдаги ижод мактаблари, давлат ва ҳукумат ҳужжатлари билан шоир-ёзувчиларимизнинг хотира ва юбилей кечалари нишонланиши, уюшма аъзоларига имтиёзли кредитлар асосида берилган уй-жойлар, "Энг яхши китобхон" танловлари голибларига машина совға қилиниши, ёш ижодкорларимизнинг биринчи китоби ўн минглаб нусхада нашр этилиши сингари маълумотларни зўр ҳаяжон билан тинглашди. Юз жилддан иборат "Туркий адабиёт дурдоналари"ни нашр этганимиз,

айни пайтда уч юз жилдли "Ўзбек адабиёти хазинасида", юз жилдли "Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари" китоблари устида ишлаётганимизни сўзлаганимда қарасқлар билан олқишлашди.

Анжуман давомида ёзувчи Фозил Фарҳод Адиблар хиббонида ҳайкаллари қадр ростлаган 25 нафар ўзбек адиби ижоди ҳақида маъруза қилди. Анжуман иштирокчилари ҳам ўзбек халқининг буюк адабиётдан қисман бўлса-да, хабар топишди. Шунингдек, биз корейс миллатига мансуб ўзбекистонлик таниқли ижодкорлар Борис Пак ва Марта Кимнинг ижодий кечаларини ўтказганимиз, китобларини уюшма хомийлигида чоп қилганимиз ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердик. Корейс тилига таржима қилинган ўзбек шеърини ва нарсининг сара намуналарини нашр этганимиз ҳақидаги хушхабар улар учун чин маънода янглик бўлди.

Жанубий Кореядаги Халқаро ПЕН маркази жорий йилнинг куз ойларида корейс ижодкорларнинг Ўзбекистонга саёҳатини ташкил этишини, "Жаҳон болалар адабиёти дурдоналари" юз жилдлиги учун корейс болалар ва ўсмирлар адабиётини сара асарлардан тавсия этишини, йил сўнгига қадар ўн нафар ўзбек шоир ва ёзувчиси асарларини корейс тилига таржима қилиши ҳамда нашр этишини билдирди. Уларнинг таклифлари бизга ҳам маъзूल бўлди. Ўйлаймики, бу ҳам икки халқнинг адабий алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Анжуманинг бир қисми Чоннам университетида бўлди. Жанубий Кореядаги биринчи миллий университет бўлмиш Чоннам 1952 йилда ташкил этилган. У мамлакатдаги энг яхши миллий университетлардан биридир. Times Higher Education рейтингиде Осиёда етакчи университетлар орасида 114-ўринда экан. Чоннам миллий университетида халқаро талабалар учун ўқиш тўловлари бошқа университетлардагига қараганда арзон, шу боис бўлса керак, бу ерда кўплаб хорижлик талабалар сабоқ олади. Олий ўқув юртининг 300 талабаси ўзимизнинг қорақўллар. Ишонаман, эрта-индин улар етук ва салоҳиятли кадр бўлиб қайтиб, Ўзбекистон равақига ҳисса қўшади.

Фалолар залида бўлиб ўтган суҳбатлар фақат адабиёт ва унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини ошириш ҳақида борди. Ёши улуг, тажрибали адиблар маҳорат сабоқлари ўтди. Уша ерда адабиёт бир миллат ёки бир халқ учун эмас, инсониятга хизмат қилиши кераклигини тақрор ҳис

қилдик. Ўрни билан биз ҳам улуг ёзувчи ва шоирларимизнинг юксак истеъдодлари ҳақида ҳикоя қилиб бердик. Кези келганда айтиб қўяй, ўзбек толиби илмлари билан алоҳида учрашув ўтказдик. Мушоира ташкил этдик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хомийлигида нашр этилган китоблардан тухфа этдик.

Яқинда Ўзбекистон Миллий университети ва "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университети 4 та (замонавий тиллар, математика, физика ва астрономия, атроф-муҳит) фан бўйича энг илғор 500 олий таълим муассасалари қаторидан ўрин эгаллагани ҳақида хабар қилинди. Буни эслашдан мурод, бизнинг олий ўқув юртимиз ҳам Жанубий Кореядаги Чоннам миллий университети билан асло қолишмайди. Бироқ дунё кўриш, илғор мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш мақсадида ёшларимизнинг хорижда таълим олаётгани бизни қувонтирди.

Яна бир гап. Кванжу шаҳрида Жанубий Кореядаги ўзбекистонликлар уюшмаси бор экан. Шу ерда кўп йиллик қадрдон дўстим, бастакор, хонанда Одилжон Каримов фаолитар юритаркан. Унинг Жанубий Кореяда ишлаётганини билардим, бироқ у ердаги ўзбекистонликлар уюшмаси офиси Кванжуда жойлашганидан бехабар эдим. Хайрли сабаб билан дўстимнинг ишончасига бордим. Маълумот учун айтиб қўйсам, уюшма Жанубий Кореядаги барча ўзбекистонликларга, айниқса, янги келганларга кўмак беради, юридик хизматлар кўрсатади. Одилжоннинг эзгу ишлари бардавом бўлишига тилақдошман. Мусофирликда юрганлар ҳар хил ҳолатларга тушиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши мумкин-ку, ахир. Шундай пайтда элчихона вакиллари қаторида улар ҳам ёрдамга қўл узатиб турса, яхши-ку, шундай эмасми?

Корейс тилида ёзувчи адибларнинг IX халқаро конгресси якунига етгач, биз Сеулга қайтдик. Боришда микроавтобусда борган бўлсак, қайтишда ўзимизнинг "Афросиёб"га ўхшаган тезювар поездга чиқдик. Икки кун Сеулнинг диққатга сазовор жойлари — тарихий ёдгорликлар, кутубхоналар, денгиз бўйларини кўриш имконига эга бўлдик. Шу ўринда ёдимда қолган бир-икки ҳолатлар ҳақида айтиб ўтсам.

Саёҳатимизнинг дастлабки манзили Сеул кутубхонаси бўлди. Китоблар кўплигиндан ҳайратландик. Ҳамроҳимиз Чо хоним "Кутубхона биносини японлар Корейни босиб олганда қурган. Бирок биз бу бинони бузмасдан, уни кўриб турганингиздек, кутубхонага айлантирдик", деди. Шу орада Фозил Фарҳод суҳбатга қўшилди: "Мен бу кутубхонага 2019 йилда ҳам келганман. Ушанда хорижий давлатлар кутубхонага совға қилган китобларнинг кўр-гандик. Ўзбекистон жавониди китоб жуда кам эди. Бундан куйингандим. Бир кун келиб, бу жойга китоб олиб боришни ният қилгандим. Бутун ўша ният амалга ошди. Биргаликда китоблар совға қилгандим", деди орузлари ушлаганидан қувониб.

Кейин биз биргаликда Сеулдаги китоб дўконларидан бирига бордик. Бир хайратимиз ўн бўлди. Кўп қаватли Куобо сугурта корпорацияси биносининг пастки қисмида жойлашган кутубхона кичик шаҳарчани эслатади. Одам гавжум. Китоб кўп. Харид қилувчилар кассаларда навбатда турибди. Сўраб билсак, дўконда 350 минг номдаги китоб бор экан.

Бу кўп қаватли бино бир кишининг хусусий мулки эмис. Анча йиллар муқаддам бир ёш ишбилармон йигит сугурта ташкилоти очди. Ишлари юриши боғлиб кетди. Ташкилот йиллик корпорацияга айланади. У тоглан пулининг бир қисмига китоб дўкони ташкил қилади. Биз кўрган китоб дўконининг филиаллари ҳам бор экан. Бизда ҳам шундай китоб дўконлари қачон пайдо бўлар экан, деган ўй кўнглимизнинг бир четига ордиқ берганини яшириб нима қилдик. Китоб марказидан чиқишда: "Одамлар китоб яратдилар, китоблар эса одамларни яратди", деган сўзлар ёзилган экан. Бу сўзларни ўқийман-у, хаёлимда Президентимизнинг китобсиз келажак йўқ, деган сўзлари ўтди. Жанубий Кореянинг тараққиёти сирини худди шу манзилда янада ёрқинроқ кўришди. Давлатимиз раҳбарининг китоб ва китобхонлик масаласида бу қадар қайғуришини чуқур ҳис этдик.

Корейликлар ўз ўтмишини ҳурмат қилади. Кино ва сериаллар орқали кўрганимиз сарой ва турли тарихий биноларни кўзи қорачиқидек асраши фикримизни исботлайди. Жанубий Корея кўчаларида, бекатларида, метросида, тезювар поездиде ва бошқа жойларида Wi-Fi ишлаб турибди. Ҳаммамнинг қўлида телефон. Эътибор қилдим, улар бўлар-бўлмас нарсалар билан банд эмас, балки телефон орқали нимадир ўқиб кетмоқда. Интернетдан унумли фойдаланиш борасида улардан ўрнат олса бўлади.

Аэропортга чиқишдан олдин Жанубий Кореянинг Ғарбий денгизи сари йўл олдик. Волми оролидаги саёҳат чинакамига саргузаштиимизнинг ундов белгиси бўлди, десам тўғри бўлади. Соҳил сари югуриб келаётган сув шовқини, кема-ларнинг тинимсиз қатнови, қирғоқ бўйларидеги қаҳвахоналардаги ажиб суҳбатлар, осмону фалакда чарх ураётган чағалайлар салоси... кўп вақтлар хотирамизга ранг бериб турса керак.

Жанубий Кореяга ҳали кўп сафарлар умиди билан юртга йўл олдик. Бу таассуротлар ҳамир учидан папир. Кўнгида қанча шеърлар, ҳикоялар турибди. Вақти билан уларни ҳам эътиборингизга ҳавола этамиз. Дарвоқе, жанубий корейлик ижодкор дўстларимиз айтганимиздек, куз ойларида Ўзбекистонга келишади.

Демак, суҳбатлар, адабий алоқалар бундан буён яна ҳам мустаҳкам бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограм" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2035.
44065 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

"Колограм" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳиш: Шерзод Маҳмурод
Дизайнер: Зафар Рўзиев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй